
ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

2022 йил 14 январь куни Риштон тумани ҳокимлиги йиғилишлар залида 14 январь - Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Йигитлар халқларнинг мақтови, кўрки” деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирни туман Маънавият ва маърифат бўлини маси раҳбари Д.Додобоева очиб бериб, ўз қутловларини изҳор этди: Аввало, сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман, деди у.Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Фулом Фатҳиддин, шоир ва таржимон Толиб Носир ҳам иштирок этиб, Ватан, тинчлик, юрт ҳимоячиларини мадҳ этувчи шеърларини ўқиб бердилар. Тадбир давомида туман ҳокимлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази Риштон туман бўлини маси ҳамда туман Ёшлар ишлари агентлиги бўлими ҳамкорлигида “Риштон туман ҳокимлиги” телеграм канали орқали эълон қилинган “Мен Ватан ҳимоячисиман” номли тарғибот видеороликлари танлови ғолиблари ҳам тақдирландилар. Тадбир иштирокчилари ва танлов ғолибларига туман ҳокимлигининг ташаккурномаси ва китоблар жамланмаси тақдим этилди.

2022-01-14 16:54:16